



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ Қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларни илгари сурди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 январь куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модираслигида онлайн шаклда ўтказилган “Глобал Жануб овози” саммити ялпи мажлисида нутқ сўзлади.



Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”ка (G20) раислиги доирасида ташкил этилган тадбирда Вьетнам Республикаси Президенти Нгуен Суан Фук, Гайана Республикаси Президенти Муҳаммад Ирфон Али, Мозамбик Республикаси

Президенти Филипе Нъюси, Сенегал Республикаси Президенти Маки Салл, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Шайх Хасина, Мўғулистон Бош вазири Лувсаннамсрайн Оюун-Эрдэнэ, Таиланд Қироллиги Бош вазири Прают Чан Оча,

Камбоджа Қироллиги Бош вазири Хун Сен ва Папуа — Янги Гвинея Мустақил Давлати Бош вазири Жеймс Марапе қатнашди. Кун тартибига мувофиқ, инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ривожланиш масалалари

муҳокама қилинди, ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини илгари сурди ва долзарб муаммоларини ҳал қилиш мақсадида, шу жумладан, иқтисодий, экология, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, инсон ресурслари

ни ривожлантириш, инновациялар, туризм ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр ва аниқ тақлифлар алмашилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ГЛОБАЛ ЖАНУБ ОВОЗИ” ОНЛАЙН-САММИТИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Нарендра Модираслигида Жаноби Олийлари!

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

“Глобал Жануб овози” саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашдан гоёта мамнунман.

Ҳиндистон Бош вазири, хурматли Модираслигида “Инсон манфаатларига йўналтирилган тараққиёт” мавзусидаги бугунги мулоқотимизни ўтказиш ташаббуси учун билдирилган ҳамма миннатдорчилик сўзларига тўлиқ қўшилман.

Ушбу форум Ҳиндистоннинг “Дунё — ягона оила” умумбашарий ғоясига содиқ қолаётганидан яққол далолат беради.

Ишончим комилки, ушбу тадбиримиз халқаро миқёсда нуфузи, иқтисодий, технологик ва интеллектуал салоҳияти тобора юксалиб бораётган Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”даги раислиги муваффақияти ўтишига салмоқли ҳисса қўшади.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятларнинг кескинлашуви ҳамда иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларига дуч келмоқда.

Биз халқаро муносабатларда очик мулоқот ва ўзаро ишончнинг тобора камайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Коронавирус пандемияси, озиқ-овқат ва

энергетика хавфсизлиги масалалари ҳамда экологик муаммолар глобал тараққиёт истикболларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай мураккаб шароитда, айниқса, мамлакатларимиз олдида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қўллаб-қувватлаш тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Айни пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ҳеч ким ортда қолмаслиги зарур” деган асосий тамойили янада долзарб тус олмоқда.

Шу ўринда Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва самарали алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаол ўрни ва ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилди ва халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилмоқда.

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Бугун Янги Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Сисъатимизнинг марказида инсон қадрли ва унинг манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланган.

Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни — қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли

ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз ўз олдимизга яқин келажакда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатимизда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режаларни қўйганмиз.

Ушбу марраларга эришиш учун 2023 йил Ўзбекистонда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда замонавий таълим ва касб-ҳунарларни эгаллаш имкониятини кенгайтириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Эҳтиёжманд аҳоли қатламини самарали ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни малакали ва сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз ортага қайтмас тус олган ислохотларимизни изчил давом эттириш йўлида халқаро шериклар билан яқин ҳамкорлик учун доимо очиқмиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Ўзбекистон Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”даги раислигини ва унинг доирасида илгари суратган устувор мақсад ва эзу интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Учрашувимиз кун тартибига киритилган масалалар буйича қуйидаги амалий тақлифларни билдирмоқчиман.

Бугунги кунда мавжуд халқаро савдо

тизимини такомиллаштиришимиз зарур. Буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу жараёнда “Глобал Жануб овози” албатта эътиборга олиниши керак — ривожланаётган мамлакатларнинг салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратилиши лозим.

Афсуски, асосий бозорларга чиқишда мамлакатларимиз ҳамон турли тўсиқ ва чекловларга дуч келмоқда.

Давлатларимиз саноат ва аграр соҳада катта салоҳиятга, йирик ички бозорларга эга эканини инобатга олиб, глобал даражада адолатли рақобат муҳитини яратиш масаласида умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Бундан ташқари, ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал логистика ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашиш масалалари жаҳон саммити кун тартибидан ўрин олиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир стратегик масала. Евроосиё минтақасидаги асосий транспорт артерияларидан бири бўлган “Шимол-Жануб” халқаро йўлагини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлни қуриш

лойиҳасини фаол илгари сурмоқдамиз. Ҳамкорларимизни ушбу ўта муҳим лойиҳада иштирок этишга тақлиф қиламиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “яшил иқтисодий”га ўтиш шароитида тараққиёт этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги катта технологик фарқ ўсиб бормоқда.

Биз жаҳоннинг етакчи давлатлари қўмағида “Глобал Жануб” учун яшил технология ва инновациялар ахборот банкни яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Навбатдаги долзарб масала — инсон капиталини ривожлантириш ва профессионал таълим сифатини оширишдир. Биз Ҳиндистон билан таълим соҳасида ҳамкорлигимизни жадал олиб боришдан манфаатдормиз.

Хурматли ҳамкасблар! Инсон манфаатларига йўналтирилган тараққиёт заминидан айнан ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш масаласи асосий ўрин эгаллаши лозим.

Иқтидорли ёшларимизни иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергетика, рақамлаштириш ва бошқа устувор соҳалардаги миллий ва халқаро дастурларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишимиз керак.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатларимиз ўртасида “Жануб ёшлари овози” доимий мулоқот платформасини ташкил этиш тақлифини илгари сурмоқчиман.

Хурматли ҳамкасблар! Бугунги кунда дунёда авж олаётган турли тўқнашувларнинг салбий оқибатлари биринчи галда ривожланаётган мамлакатларда сезилмоқда.

Ишончим комилки, қадрли биродарим Нарендра Модираслиги билан айтганда, “Будда ва Ганди Ватани” бўлмиш Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”даги раислиги доирасида глобал миқёсдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун янги-янги тақлиф ва ғоялар дунё ҳамжамиятига тақдим этилади.

Ўзбекистон ҳам ушбу йўналишда илгари суратган Афғонистон муаммосини ҳал этиш буйича халқаро мулоқот гуруҳини шакллантириш тақлифини қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламан.

Хурматли дўстлар! Биз Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини халқаро миқёсда самарали ҳимоя қилиш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатларига ҳаммиша кўмақдошимиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги барча тақлиф ва ташаббуслар инсон манфаати ва барқарор тараққиёт мақсадларига хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрами — Республика куни билан чин дилдан самимий табриқлайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчинини

бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Ботиров Иқболжон Қобилжонвич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқармаси бошлигининг ўринбосари

“Мардлик” ордени билан

Дехқонов Отабек Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Махбубов Рустам Мамарасулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

▶ Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУРОЖААТНОМА ФЕНОМЕНИ

(Биринчи мақола)

Кейинги йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ислохотлар стратегияси туфайли қандай улкан натижаларга эришилётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Чўқур ўйланган, жаҳон тажрибаси, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва халқимиз менталитети инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур стратегия ўзини тўла оқлаётгани ҳар қадамда кўзга ташланыпти.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ниезов Нодиржон Абдукаримович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катер командири ёрдамчиси

Отшов Муроджон Жумязович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири

Рузиев Бекзод Шухратович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бригада командири

Шонқулов Шахбоз Бекмаҳаматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

“Дўстлик” ордени билан

Гиязидинов Рафазл Талгатович — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Академияси бўлим бошлиғи

Давлатов Иномжон Ғулумжон ўғли — Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг тарбиявий ишлар бўйича биринчи ўринбосари

Долбилана Наталия Геннадьевна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази катта офицери

Жасимов Даулетмурат Базарбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра бошлиғи

Ортиков Акмалжон Кобулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

Паизбеков Тимурлан Курбанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Аллаёров Дилшод Эгамқулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

Мирзақаримов Бахриддин Абдужалилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқармаси тиббий таъминот хизмати бошлиғи

Петрова Ольга Викторовна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бўлим мудир

“Жасорат” медали билан

Абдурахманов Фарход Фахритдинович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

Абдурахмонов Сарвар Абдунабиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири

Ғайбуллаев Олмосбек Абдурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Джалилов Анвар Химматиллоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири

Жумамуратов Азим Раҳимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси бўлим сафдор ходими

Махматкулов Шарифбек Умедуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи станция бошлиғи

Тураев Алижон Марадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

Улугбоев Аббос Аҳмадалиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири

Хошимов Дониёр Холикович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

Шодидёров Галиб Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья катта техниги — йўриқчиси

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Бекмуратов Учқун Қиличович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряд командири

Бердиев Жобир Махамдажонвич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим катта техниги

Бобоев Комил Жумаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

Болтабоев Раҳмат — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси кафедра профессори

Джойлиев Ақрам Эргашевич — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряд инспектори

Ёдгоров Абдуғани Жалилбой ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ командирининг ўринбосари

Жумаев Зоҳиджон Баротович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

Жураев Алижон Абдиразақович — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-кутқарувчиси

Идиев Аскар Абдурашидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Исаков Хаёт Холматович — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнгин-кутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-кутқарувчиси

Исмаилов Раматжон Нуратдинович — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнгин-кутқарув қисми йўриқчи-кутқарувчиси

Кенжаев Бунёд Эшболтаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Қорохонов Мансур Исмаилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

Қурбонов Элёржон Зокиржонвич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Маматов Дониёр Абдурахимович — Наманган вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

Муратқабиллов Рустам Бахрамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ сафдор ходими

Нурмуродов Асрор Эшдавлатович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қорув қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Расулов Иляс Рустамқулович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати бошлигининг ўринбосари

Раҳимов Мурод Жумабаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

Рўзиев Алишер Махмуд ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Умарова Барно Акбутаевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Утаев Ақром Жўрақулович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Хайдаров Қарҳон Уктамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бўлим бош мутахассиси

Халиқов Убайдулла Хусанович — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

Хасанов Баҳодир Махсуджонвич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

Холматов Ойбек Хамидович — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

Хошимов Мухриддин Ўтган ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Шаропов Кахрамон Ходиевич — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Эшқобулов Асилбек Якубович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Эшонкулов Содикжон Собирович — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи

Яров Илҳомжон Исломович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командирининг ёрдамчиси

“Шухрат” медали билан

Абдуқодиров Акбар Анвар ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Аллаёров Очилди Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги батальон командири

Ахматов Шахбозжон Шухратжонвич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

Балтаев Худайберди Атабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

Жуманов Элёр Мухаммадович — Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

Ибрагимов Шухрат Жавлиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Термиз” халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича батальони назоратчиси

Мадррахимов Давронбек Матқубович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

Олимова Иродахон Валижон қизи — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм телефон станцияси наватчиси

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2023 йил 12 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИВОЖЛАНАЁТГАН
МАМЛАКАТЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН
ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугунги халқаро вазиятда кузатилаётган долзарб тенденцияларга баҳо бериб, ривожланаётган мамлакатлар олдига турган асосий устувор вазибалар борасида фикр билдирди.

— Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти турли қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг кескинлашуви, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларига дуч келмоқда. Биз халқаро муносабатларда очиқ мулоқот ва ўзаро ишончнинг тобора камайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, коронавирус пандемияси, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги масалалари ҳамда экологик муаммолар глобал тараққиётнинг истиқболларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва самарали алоқаларни мустаҳкамлашда фаол ўрни ва роли алоҳида таъкидланди.

Шу маънода, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ва халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларнинг марказида инсон манфаатларини таъминлаш энг улғун мақсад ва вазифа этиб белгиланганини алоҳида таъкидлади.

— Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни — қўнун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз ўз олдимиизга яқин келажақда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режани қўйганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистоннинг G20га раислигини қўллаб-қувватлаб, кун тартибидagi масалалар юзасидан қатор амалий тақдирларни илгари сурди.

Энг аввало, бугунги кунда мавжуд халқаро савдо тизимини “Глобал Жануб овози”ни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш тақдир қилинди.

Асосий бозорларга чиқишда ҳамон турли тўсиқ ва чекловларга дуч келаётган

ривожланаётган мамлакатларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратилиши лозим.

Ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал логистика ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашиш масалалари жаҳон саммити кун тартибидан ўрин олиши мақсада мувофиқлиги қайд этилди.

Яна бир стратегик масала — “Шимол-Жануб” халқаро йўлагига доирасида Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлини қуриш лойиҳасини фаол илгари сурди. Ўзбекистон етакчиси ҳамкорларни ушбу муҳим лойиҳада иштирок этишга чақирди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “яшил иқтисодиёт” таъминотида тараққиёт этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги катта технологик фарқ ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан жаҳоннинг етакчи давлатлари кўмағида “Глобал Жануб” учун “яшил” технология ва инновациялар ахборот банкни яратиш тақдир қилинди.

Навбатдаги долзарб масала инсон капиталини ривожлантириш ва профессионал таълим сифатини ошириш экани кўрсатиб ўтилди.

— Иқтисодий ёшларимизни иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиши, мубил энергетика, рақамлаштириш ва бошқа устувор соҳалардаги миллий ва халқаро дастурларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишимиз керак, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, “Жануб ёшлари овози” доимий мулоқот платформасини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Глобал миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон илгари сураётган Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро мулоқот гуруҳини шакллантириш тақдирини қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

Онлайн-саммитда билдирилган тақдир ва ташаббуслар ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини илгари суришга, инсон манфаатига йўналтирилган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Республика кунини билан самимий табриклади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ГЛОБАЛ ЖАНУБ ОВОЗИ” ОНЛАЙН-САММИТИДА ИШТИРОК ЭТИШИ
МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИ
ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАННИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 12 январь кунини Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди раислигида ўтказилган “Глобал Жануб овози” онлайн-саммитида сўзлаган нутқида халқаро вазиятни ривожлантиришнинг бугунги тенденцияларига баҳо бериб, ривожланаётган мамлакатлар олдига турган устувор вазибалар ҳақидаги қарашларини билдирди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари Ҳиндистон экспертлар ҳамжамияти вакиллари томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Индервир СИНГХ,
“Business Central Asia” журнали
бош муҳаррири:



— Ҳозирги вақтда инсоният олдига турган асосий глобал муаммолар — иқтисодий инқироз, иқлим ўзгариши, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш каби масалалар инсон ресурсларини ривожлантириш ва инновациялар билан бевосита боғлиқ. Ушбу устувор ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш мақсадида Ҳиндистон ҳукумати ташаббуси билан 12-13 январь кунлари “Глобал Жануб овози” онлайн-саммити бўлиб ўтди. Мазкур таъдир ривожланаётган мамлакатларни умумий тараққиёт йўлида ўз қарашлари ва устувор мақсадлари билан бўлиши учун ягона платформа остида бирлаштиришни назарда тутди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг тақдирини буюрган мазкур муҳим таъдирнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. “Овоз бирлиги — мақсадлар бирлиги” шiori остида

ўтаётган ушбу халқаро форумда Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган фикрлар, ташаббуслар ва глобал муаммолар ечимини бўйича тақдирлар нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки бутун дунё ҳамжамияти учун муҳимдир.

Ўзбекистон хамиша минтақадда ва халқаро муносабатларда ўз овозига эга бўлиб келган ҳамда ривожланаётган давлатлар дуч келаётган долзарб муаммоларни ҳал қилишда ўз қарашлари ва амалий ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкори ҳисобланади. Тошкентнинг транспорт ва ўзаро боғлиқлиги бўйича лойиҳаларини амалга ошириш йўлидаги қатъийлиги, халқаро майдондаги мураккаб шaroитга нисбатан конструктив ёндашуви, 2022 йил сентябрь ойида Самарқанд саммитида билдирган тақдирлари ва бошқа қўллаб-қўллаш ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда.

Бугунги саммитда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жорий халқаро вазиятда кузатилаётган долзарб тенденцияларга берилган баҳо, ривожланаётган мамлакатлар олдига турган асосий устувор вазибалар хусусидаги тақдирларни минтақадда ҳамда дунёда шаклланган реал воқеликни ва мураккаб вазиятни кўрсатиб берди.

Ўзбекистон раҳбари эътироф этганидек, ривожланаётган мамлакатлар олдига турган энг устувор масалаларни ҳал этиш, уларнинг манфаатлари ва устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган маслаҳатлашувлар, ўзаро ишонч ва очиқ мулоқот бугун хар доимидан ҳам долзарбдир. Бу борада Ўзбекистон етакчиси томонидан инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ривожланиш масалалари бўйича илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар хар томонлама қимматли ва, ўз навбатида, энг долзарб муаммоларни ечимига қаратилгани билан муҳим ҳисобланади.

Правеш ГУПТА,
“Вивекананда халқаро фонди” тақдир маркази
катта илмий ходими:

— Бу йил Ҳиндистон ташқи сиёсий ҳаётида жуда муҳим йил ҳисобланади. Чунки мамлакат бугунги кундаги иккита муҳим халқаро тузилма — “Катта йигирматалик” (G20) ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилоқда ҳамда улар доирасидаги нуфузли тадбирларга мезбон бўлади. Ҳиндистон дунёдаги энг йирик иқтисодиётга эга давлатлардан бири ҳисобланади ва унинг глобал майдондаги роли ўсиб бормоқда. Шу сабабли, мазкур форматларга раислик давомида Глобал Жанубнинг келажақ учун қарашлари ва умидларини қамраб олиш, уларни жаҳон ҳамжамияти олдига олиб чиқиш учун улкан имконият мавжуд. Дунёда ривожланаётган мамлакатлар доими ўсиш ва барқарорлик манбаи бўлиб келган ва келажақ тараққиёти учун ҳам улкан салоҳиятга эга.

“Глобал Жануб овози” саммитининг ялпи мажлисида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиб, нутқ сўзлаганини алоҳида эътироф этиш лозим. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасида етакчи давлатга айланди. Ҳиндистоннинг G20га раислиги доирасида ташкил этилган дастлабки муҳим тадбирлардан бирида Ўзбекистоннинг иштирок этиши мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ва мавқеи юксалиб бораётганининг яққол ифодасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатда, биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият бераётгани давлатлараро муносабатларни, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт ва яна бошқа қўллаб-қўллаш соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кескин ошишини таъминлади.

Ўзбекистон етакчиси бугунги саммитдаги нутқида ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган долзарб ташаббусларини илгари сурди. Хусусан, мавжуд халқаро савдо тизимини такомиллаштириш, ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ўзаро боғлиқлик лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш ва бу каби масалаларни G20 саммити кун тартибига киритиш муҳим эканлиги қайд этилди. Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари ва гоълари, ўз навбатида, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг минтақавий ва глобал муаммоларга нисбатан ёндашуви, минтақавий етакчилик масъулияти умумий асосга ва уйғунликка эга, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистоннинг “Глобал Жануб овози” онлайн-саммитидаги иштироки бугунги халқаро вазиятда кузатилаётган тенденциялар, умумий ҳавотир ва глобал муаммоларга нисбатан минтақанинг умумий овози ва манфаатларини илгари суришда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, минтақавий ва глобал тараққиёт масалаларида Ҳиндистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Дунё” АА
Дехли

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУРОЖААТНОМА ФЕНОМЕНИ



Киём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланғич 1-бета

Шу билан бирга, ҳар бир йил ҳаётнинг барча соҳаларида янгидан-янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар бунинг аққол далилидир.

Жаҳоннинг қўллаб олимлари ва халқаро экспертлар фикрича, мазкур Мурожаатнома давлатимиз раҳбари томонидан "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилган 2023 йилдаги тараққиётимиз учун миллий ривожланиш дастури сифатида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаётимиз дастуруламали

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётининг янги даврини бошлаб берди. Мустиқил демократик ривожланиш йўлидаги тикланиш босқичларини ўтиб, миллий тараққиёт тамойиллари яққол намоён бўлган ислохотлар сари юз тутдик.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси эса ҳаётимизнинг барча соҳаларини янада ривожлантириш борасида эришиш лозим бўлган юксак натижалар, миллий юксалишнинг улкан имкониятлари ва шарт-шароитлари учун мустиқил замин яратди.

Ушбу жараён билан узвий алоқадор ва ҳамоҳанг бўлган, эндиликда ўзига хос анъанага айланган Президентимизнинг ҳар йилги Мурожаатномалари ва улар асосида қабул қилинган Давлат дастурлари юртимиз стратегик тараққиёт йўлининг мазмунини, мақсад ва йўналишларини аниқ-тиниқ белгилаб бермоқда.

Бу борада қуйдагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз:

Биринчидан, давлатимиз раҳбарининг энг асосий ва долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятнинг демократик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Мурожаатнома билан чиқиб таърифи дунёнинг кўпчилиги тараққиёт этган мамлакатлари сиёсий ҳаётининг тарихий қисмига айланган.

Ўзбекистоннинг бугунги тарихида янги анъана сифатида намоён бўлаёт-

ЗАМОНАВИЙЛИК ТАМОЙИЛИ ВА БУГУНГИ АМАЛИЁТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲОЗИРГИ КУНЛАРДАГИ ЯРАТУВЧИЛИК ВА БУНЁДҚОРЛИК САЛОҲИЯТИ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, МАМЛАКАТИМИЗ, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ САЛОҲИЯТИ ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА.

ган ушбу амалиёт ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Мазкур жараён кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қўлмалли ислохотлар, аҳоли билан мулоқот тамойилларига уйғун ва ҳамоҳанг йирик феноменал ҳодиса сифатида халқимиз ҳаёти ва тафаккуридан муносиб жой эгаллади. Илмий-назарий жиҳатдан мазкур ҳужжатда бугунги кунда дунё таълим олаётида тараққиёт стратегияси амалиёти барча соҳаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва долзарб масалаларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган ҳамда шу асосда унинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Бу нуктаи назардан, Мурожаатнома жорий йилдаги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида чуқур демократик ўзгаришлар самарадорлигини таъминлаш борасидаги муҳим дастуруламал вазифасини ўташи шубҳасиз.

Иккинчидан, Президентимиз Мурожаатномасида бугунги тараққиётимиз ва Янги Ўзбекистон келажигининг пойдеворини белгилаб берган стратегиянинг улкан аҳамияти, унинг ҳаётимизни тубдан ислоҳ қилиш, мамлакатимизни энг ривожланган давлатлар қаторига кўтариш борасидаги фаолиятнинг методологик

асоси сифатидаги моҳияти очиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу жиҳатдан, ушбу Мурожаатнома кейинги йилларда халқимиз томонидан босиб ўтилган йўл, ислохотларни амалга ошириш борасида эришилган улкан ютуқ ва марралар, олдимизда турган устувор вазифалар моҳияти ва аҳамияти ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган муҳим аҳамиятга молик тарихий ҳужжатдир.

Учинчидан, Мурожаатномада кейинги йилларда эришилган марралар сарҳисобига доир келтирилган мисоллар ва далиллар кенг қўлмалли ва самарали ислохотларнинг улкан натижалари ҳақида аниқ-тиниқ тасаввур учун асос бўлади.

Ушбу рақамлар ва далиллар Президентимиз Мурожаатномаларида, биринчи навбатда, ўтган йилда амалга оширилган ишлар қўлами, эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинишининг ижтимоий мантиқи асосида кейинги йилдаги мақсад ва вазифаларимиз, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини аниқ ва равшан белгилаб бериш билан боғлиқ зарур жараён, бугунги давр талаби тўла-тўқис акс этаяётгани билан ниҳоятда аҳамиятли.

Тўртинчидан, истиқболимизни белгилаб берадиган устувор йўналишлар, амалга оширилиши лозим бўлган энг долзарб вазифалар, барчамиз учун бирдек аҳамиятга молик масалаларнинг ечимлари кўрсатиб берилган Мурожаатнома, шубҳасиз, Президентимиз томонидан "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб ном берилган 2023 йилда амалга оширилаётган ислохотлардаги бевосита иштирокимиз ва масъулиятимизнинг ўзига хос муҳим мезони ҳамдир.

Буларнинг барчаси, Президентимиз Мурожаатномалари мустиқил демократик тараққиётнинг ҳар бир йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва кейинги йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб берувчи феноменал дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилаётганидан далолат беради.

Ислохотларнинг таянч тамойиллари

Бугун барчамиз Президент Мурожаатномаси таъсирида яшayғимиз ва ишлаймиз. Унинг асосида ҳаётимиз ва фаолиятимиз учун зарур ҳаракат дастурлари ва чора-тадбирлар режалари белгилаб олинмоқда.

Бу жиҳатдан, "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилган 2023 йилда ҳам ўтган йиллардаги каби жамиятнинг ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг қўлмалли ислохотлар, янгиланишлар замонавий тарихимизнинг етакчи ҳаракатлантурувчи омиллари сифатида ўз таъсири ва аҳамиятини сақлаб қолити шубҳасиз.

Мурожаатномани ана шу серқирра ва дориланган жараённинг асосий ҳужжати сифатида англаш ва тушуниш, бу борадаги маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларида ушбу ҳужжатда ўз аксини топан қуйидаги тамойилларга алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

Тарихийлик ва мантиқийлик тамойили нуктаи назардан маълумки, ҳаёт бир жойда депсиниб турмайди, унинг оқими тез ва ҳар бир янги кун, янги йил-

лар янгича ёндашув ҳамда ўзгаришларни талаб қилади. Айни пайтда, халқимиз тараққиётининг ҳозирги даври барча соҳаларда янгидан-янги ислохотлар ва ўзгаришларни кун тартибига чиқаряпти. Президент Мурожаатномасида "Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бешасоб шукр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сифатимизга қарий 900 минг янги авлод қўшилмоқда. Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланяёмиз", дея бежиз таъкидланмаган.

Мазкур Мурожаатнома кейинги йиллардаги ислохотлар ва янгиланишлар учун асос бўлган стратегик мақсадлар, жамият ривожининг устувор йўналишлари ҳамда долзарб вазифалар моҳиятини аҳамиятини тарихийлик тамойиллари, мантиқийлик мезонлари асосида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган ниҳоятда муҳим ҳужжатдир.

Мурожаатномада акс этган кейинги йиллардаги натижалар ва ютуқлар мазмун-моҳияти, аҳамиятини таҳлил қилиш, биринчидан, бугунги янгиланишларнинг



шукронаси, уларнинг қадрига етиш, иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, учинчидан, бу борадаги долзарб ва масъулиятли вазифаларимизни янада чуқурроқ англаб олиш имконини беради.

Бу тарихий ҳужжати чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда акс этган гога ва тушунчаларни аҳолининг барча қатламлари қалбига, онгига синдириш муҳим вазифаларига айланади.

Илмийлик тамойилига кўра, ушбу Мурожаатнома мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш асосида адолатли демократик давлат, ривожланган фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган ислохотлар ва тараққиёт страте-

и фодолайди. Ўз навбатида, 2023 йилга мамлакатимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб ном берилгани ҳам ана шу ҳаёт ҳақиқати ва бугунги давр давъатини акс эттиради.

Тизимlilik ва тахлилlilik тамойили жиҳатидан Мурожаатнома матни ҳар бир таркибий қисми ўзаро узвий боғланган, бир-бирини тақозо қиладиган, бу борадаги умумийлик ва хусусийлик, марказ ва минтақалар, республика, вилоятлар, туманлар, аҳолининг турли қатламлари манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг уйғунлигини таъминлаш намунаси, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларини, йўналишларини бутунча қамраб олган яхлит бир асар тарзида намоён бўлади.

Шу нуктаи назардан, ушбу ҳужжат

имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Мазкур рақамлар Мурожаатноманинг аниқ мақсадларга қаратилганини яна бир бор кўрсатади. Бу жиҳат концептуал ҳужжатнинг барча таркибий қисмларида яққол намоён бўлган ҳамда унинг мазмуни ва таъсирчанлигини янада оширган шубҳасиз.

Мурожаатноманинг халқчиллик тамойили ва унинг матни содда, тушунарли тилда баён этилгани билан боғлиқ жиҳатини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Чунки уни тахлил қилишда ана шу жиҳатга диққат-эътиборимизни қаратиш, тарғибот ва ташвиқот жараёнида бунга асосланиш зарурлигини асло унутмаслигимиз, айни пайтда, амалга оширилаётган чора-тадбирлар таъсирчанлигини таъминлашда катта аҳамиятга моликлигини барчамиз яхши англашимиз лозим.

Авалло, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Мурожаатномани ўрганишда халқчиллик тамойилига риоя қилиш, тадбирларнинг аниқлиги, таъсирчанлигини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишларни шунчаки жўн ва оддий бир ҳодиса сифатида тушунамаслигимиз лозим. Негаки, Президент Мурожаатномаси юртимиз, халқимиз ҳаётини тубдан ўзгариштириш, мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг нафақат 2023 йил, балки кейинги йилларга ҳам мўлжалланган тараққиёт ва янгиланиш стратегияси асосидир. Бу жиҳатдан унда кўтарилган масалалар, белгиланган марралар, долзарб вазифалар жамиятимишни демократлаштириш, тараққиётни таъминлашнинг энг ривожланган мамлакатлар қаторига кўтариш жараёнининг таркибий қисми саналади. Ана шу сабабдан ҳам кейинги йилларда бу борада қўллаб қарор ва фармон қабул қилинган, қатор концепция, дастурлар ишлаб чиқилгани ҳамда ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётгани асло тасодиф эмас. Балки, бу замон талаби, давр эҳтиёжи, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, мазкур жараённинг амалга ошиш қонунларини ва намоён бўлиш хусусиятларини чуқур англаб, уларнинг амал қилиш қоидалари, тамойилларини ҳаётда самарали қўллашнинг яққол намунаси.

Мурожаатноманинг келажакка йўналгани бошланган йилда жамиятимишни янги қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг нафақат жорий йил, балки келгуси йиллардаги фаолият учун ҳам таянч ҳужжатлардан бири сифатидаги аҳамиятини янада оширади. Бу жиҳатдан, алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжат жаҳон мамлакатлари ҳаётининг бугунги босқичида жамият ва давлатни ривожлантириш учун муайян стратегия ва тараққиёт тамойилларини белгилаш, бу борада режа ва дастурлар тузиш масалалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаяётганидан далолат беради.

Унда бугунги даврнинг бир ҳаётий ҳақиқати сифатида таъкидланганидек, бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Фаровонлик ошгани сайн аҳолимизнинг талаби ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Бу, айниқса, болалар ва ёшларга янада кўпроқ эътиборни талаб қилмоқда. Мурожаатномада таъкидланганидек, сўнгги олти йилда болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етди. Шунинг натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабга таълим бўйича Умумжаҳон аъзамонида ҳам бу ислохотлар юксак эътироф этилди. Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамрови 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу — жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ДОЛЗАРБ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ВА ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА МУРОЖААТНОМА БИЛАН ЧИҚИШ ТАЖРИБАСИ ДУНЁНИНГ КЎПЧИЛИК ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИГА АЙЛАНГАН.

таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Айни пайтда вояга етган ёшларимизнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, бунда мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмастан кириб келаятиганини ҳисобга олиш ўткир заруратга айланади. Бу жиҳатдан, 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш янада кенгайтирилади. Кимё саноти, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозирча бўлмаган. Лунда айтганда, янги замон муҳандислари тайёрлаш тизими яратилади.

Умумий таълим ва миллийликнинг уйғунлиги тамойили нуктаи назардан, айни пайтда Мурожаатнома глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб бораётган бунунги шароитда, халқлар ва давлатлар тақдирини ўз ичига олувчи аҳамият касб этаяётган ўзгаришлар, ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда янгиланишларнинг мақсад-муддаоларини, пировард натижаларини тўғри тасаввур қилиш учун зарур бўлган стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш билан боғлиқ умумжаҳоний қонуниятлар, миллий хусусиятлар, парадигмалар ва функционал талабларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуктаи назардан, Мурожаатномада мамлакатимиз мустиқиллигини янада мустиқиллаш, жамиятимишни барқарор тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиш истиқболлари ва устувор вазифаларини олдиндан белгилаш, келажакки илмий ўрганишнинг стратегик механизминини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Бу эса, ўз навбатида, юртимиз тарққиёти, халқимиз фаровонлиги, барча соҳалардаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг стратегик тамойиллари асослаб берилган Президент Мурожаатномасини йирик феномен, муҳим тарихий ҳужжат сифатида ўқиб-ўрганиш, унинг таъсирчанлиги ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил қилишда барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклаганини унутмаслигимиз кераклигиндан далолат беради.

ТАҲЛИЛ

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, КУЧЛИ ВА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗДА АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ



Нодир ЖУМАЕВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодийнинг янада кучли, барқарор ва мунаносиб ривожланган ҳолда халқро майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустақкам ўрнимизни эгаллаш, изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш учун ишончли замин яратилди.

Бунинг самараси ўлароқ, яқунланган йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 2 миллиондан ошди. Ажратилаётган маблағлар эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Глобал таъминот занжиридаги узиллишлар, дунё бозорларида озиқ-овқат ва ёнғил нархларида кузатилаётган тебранишлар сабабли юзага келган инфляция босимлар таъсирида 2022 йилдаги инфляция даражаси 12 фоиз атрофида бўлди. Қайд этиш кераки, иқтисодий мавҳумликларнинг глобал миқёсда сақланиб қолиши кутилаётган бўлса-да, 2023 йилда бу кўрсаткич 9,5 фоизгача пасайиши прогноз қилинган. Мавжуд вазиятга қарамадан яқунланган йилда бюджет даромадлари прогнозининг 3 фоиз атрофида ортиги билан бажарилди. Иқтисодий тармоқлари кесимида дастлабки прогнозга

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ БЎЛГАН САРМОЯ — ИНВЕСТИЦИЯСИЗ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУШКУЛ. ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА 2022 ЙИЛДА 8 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИБ КЕЛДИ, ЭКСПОРТИМИЗ ЭСА, 19 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТДИ. 2023 ЙИЛДА ЭСА БУ КЎРСАТКИЧ 23 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОРТИШИ КУТИЛЯПТИ.

нисбатан ўсиш суръатлари қурилиш соҳасида 6,6 фоиз, саноатда 5,3, хизматлар соҳасида 7,4, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиқларида 3,5 фоизни ташкил этиши кутиляпти.

Умуман олганда, дунёдаги айни глобал вазиятнинг таъсирига қарамадан, мамлакатимизда инфляция даражасини бир хонали рақамга келтириш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, асосий истеъмол товарлари нархлари мавсумий тебранишлари даражасидан келиб чиқиб, “хатар даражасининг таҳлили” тизимини жорий қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

солиги, ижтимоий солиқ ставкалари тоифадан келиб чиқиб белгиланади.

Янги тартибга асосан, шароити оғир ҳудуддаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Яқка тадбиркорлар қатъий ставкага солиқларни тўлашдан озод этилади. Кредит олишда ҳам маълум фоиз ставкалари қўлланилиб, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қўллаб беришда бир қатор енгиликлар берилди.

Шу билан бирга, бизнесга солиқ юқини камайтириш бўйича ишлар давом эттирилиб, жорий йил 1 январидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга

пасайтирилди. Бунинг натижасида камиди 14 триллион сўм маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Сир эмаски, Тараққиёт стратегиясида инвестиция муҳитини янада яхшилаш, келгуси беш йилда 120 миллиард доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард долларга тенг инвестиция жалб этиш, республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш бўйича мақсадли вазифалар белгиланган.

Замонавий дунёда иқтисодиёт драйвери бўлган сармоя — инвестициясиз иқтисодиётни ривожлантириш мушкул. Иқтисодиётимизга 2022 йилда 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди. 2023 йилда эса бу кўрсаткич 23 миллиард доллардан ортиши кутиляпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни қўллайиш учун шароитларни янада яхшилаш борасидаги келгуси режалар келтириб ўтилди. Жумладан, 2023 йилда қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳалар ишга туширилади.

Шунингдек, жорий йилда саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилади. Йил якунига қадар саноат зоналарида 1 минг 264 лойиҳани ишга тушириш орқали қўшимча 3 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлашга эришилади. Хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаган ҳолда, келгуси беш йилда кимё ва газ-кимё, мисини қайта ишлаш, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва кўплаб бошқа соҳаларда 120 миллиард долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Халқаро ҳамжамият билан интеграциялашувни жадаллаштирган ва ўзининг тинчликсевар риторикаси билан эътиборга тушган Янги Ўзбекистон ўзининг мувоzanатга асосланган кўп векторли ташқи сиёсати самарасини бу йил ҳам қатъий билан давом эттирди. Жаҳон банки ҳисоботларида кўра, дастлабки прогнозлар бўйича мамлакатимиз иқтисодиёти 2023 йилда 5,8 фоизга ўсиши кутиляпти.

Мамлакатимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилган жорий

ГЛОБАЛ ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИДАГИ УЗИЛИШЛАР, ДУНЁ БОЗОРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЁНИЛГИ НАРХЛАРИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ТЕБРАНИШЛАР САБАБЛИ ЮЗАГА КЕЛГАН ИНФЛЯЦИОН БОСИМЛАР ТАЪСИРИДА 2022 ЙИЛДАГИ ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ 12 ФОИЗ АТРОФИДА БЎЛДИ.

йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм йўналтириляпти, яқунланган йилда бу миқдор 1,5 триллион сўм эди. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари бепул овқатланиши учун 2,3 триллион сўм ажратилади. Давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилиб, аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун 8 триллион сўм ажратилади.

Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг пойдевори ҳисобланади. Аҳоли сони мунтазам равишда ўсиб борапти. Агар 1990 йилда бу кўрсаткич 20,2 миллион кишига тенг бўлган бўлса, 2022 йилда 36 миллиондан ошди. Албатта, бу улкан салоҳият ва катта бойлик. Уларнинг муносиб турмуш шароитларини яхшилаш ва фаровон ҳаёт кечиртишларини таъминлаш эса долзарб масалалар.

Қишлоқ жойлардаги бугунги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишсизлик ва камбағалликка барҳам бериш каби масалалар ислохотлар кўламини кенгроқ олишни тақозо қилади. Шу боис, сўнгги йилларда ер муносабатлари бўйича катта ишлар бошланди. Биргина Утган йилда 100 минг гектар экин майдонига аҳолига деҳқончилик қилиш учун очик электрон танлов орқали ижарага берилди. Бу, бугунги геосиёсий вазият, экологик инқироз, сув танқислиги ва иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келган бир шароитда 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат этиштириш имконини берди. Шунингдек, аҳолининг муҳим даромад манбаига эга бўлишида, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўлди.

Ўртдошларимизнинг фидокорона меҳнати натижасида ҳозирги кунда Ўзбекистон узум, поллиз экинлари, мевалар етиштириш ва экспорт қилиш бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторига кирди. Қишлоқларда ташкил қилинган 400 мингта янги деҳқон хўжалиқлари 1 миллион 200 мингдан зиёд одамлар бандлигини таъминлашга хизмат қилди. 2023 йилда ҳам 100 минг гектар қўшимча экин майдонларининг аҳолига ажратилиши кўзда тутилган ва қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилиши белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини такомиллаштириш, саноатни ривожлантириш, озиқ-овқат, энергетика ва транспорт хавфсизлигини таъминлаш каби мураккаб вазифалар ечимига муваффақиятли эришди. Зеро, қўлга киритилаётган ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотлар замирида халқимизнинг турмуш даражасини ошириш мақсадлари мужассам.

“ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Анжуман Марказий Осиё халқаро институти (МОХИ) ва Сингапурдаги Наньянг технология университети ҳузуридаги С.Раҷаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби (RSIS) ҳамкорлигида ташкил этилди.



Унда Сингапур Ташқи ишлар, Савдо ва саноат вазирликлари вакиллари, етакчи таҳлил ва илмий-тадқиқот тузилмалари экспертлари иштирок этди. С.Раҷаратнам халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур Миллий университети, Яқин Шарқ институти (МЕР), Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда халқаро ҳамкорлар бўйича Сингапур ҳамкорлик маркази (SCE), бошқа ташкилот ва муассасалар шулар жумласидан.

Давра суҳбатидида Ўзбекистон томонидан МОХИ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон элчиси Қоҳрамон Шокиров кириш сўзида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳолади.

1997 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустақкам сиёсий ва иқтисодий шериклик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди. Қарор топган ишончли муносабатлар тўғрисида барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик динамикаси изчил ўсиб бормоқда.

Олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар, фаол иқтисодий ва сармоявий фаолият, бой маданий-гуманитар ҳамкорлик томонлар ўртасидаги яқин алоқаларнинг муҳим таркибий қисмларига айланган.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳақимов Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлиги изчил мустақкамланиб ва кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Ҳозирги динамика сиёсий, дипломатик, савдо-иқтисодий, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётгани алоҳида қайд этилди. Тўқимачилик, кимё, транспорт, таълим ва бошқа соҳаларда ҳамкорлигининг муваффақиятли намуналари мавжуд.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар барча соҳаларда ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратаетганини айтди.

Марказий Осиё халқаро институти директорининг ўринбосари Ботир Турсунов икки мамлакат ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятни мавжудлигини қайд этди.

Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари ўсувчанлигининг бугунги суръати икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада мустақкамлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратаетганини айтди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, давлатимиз томонидан олиб борилаётган минтақавий сиёсатнинг устувор йўналишлари ва муваффақиятлари, мамлакатимиз

раҳбарининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқлиқни таъминлаш борасидаги ташаббусларига доир батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Сингапур эксперт доиралари вакиллари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳолади.

С.Раҷаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби раиси Онг Кенг Йонг Сингапур Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодиётнинг очиклиги ва шаффоқлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёни самарасида ўзаро муносабатларни

ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

У олий ва юқори даражаларда ўтказиб келинган мунтазам учрашувлар, шунингдек, вазирлик ва идоралар ўртасидаги ристалар икки давлат муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва кенгайтиришга, Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Сингапур ва Ўзбекистон Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақалари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустақкамлаш ҳамда ривожлантиришга хизмат қиладиган катта имкониятларга эга эканига эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Сингапур Савдо ва саноат вазирлигининг Ривожланаётган бозорлар департаменти директори

Дениз Перейра Керри-Энн Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим ўрни ва ролини эътироф этди.

Мамлакатнинг очиклиги, амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислохотлар икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётгани, ўзаро ишончли мустақкамлаш ва манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди.

Унинг айтишича, сўнгги йилларда Сингапур Ўзбекистонга 350 миллион доллардан ортқ сармоя киритган. Бу глобал миқёсда катта миқдор эмас. Лекин, энг муҳими, бу миқдор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлари тўғрисида изчил ўсишда давом этмоқда.

Мутахассис сайёҳлик икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналиши эканини айтди. Чунки бу соҳада улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистон, шунингдек, Сингапурда катта талабга эга бўлган хуштаъм, қуритилган ва янги меваларнинг асосий етказиб берувчисига айланиши мумкин.

Сингапур логистика ва рақамлаштириш соҳаларида ҳам бош ҳамкорга айланиши мумкин. Бу соҳаларга етакчи хусусий сектор вакиллари жалб этиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Худди шундай фикрни С.Раҷаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби катта илмий ходими Рафаэл Пантуччи ҳам билдирди. У Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёдаги Сингапур каби бутун Марказий Осиёнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканини таъкидлади.

Ушбу мамлакатларда ҳали ишга солинмаган салоҳият мавжудлиги, бу ҳар икки томондан ҳам катта меҳнати талаб қилиши қайд этилди.

Тадбир доирасида Сингапур вакиллари икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш истиқболларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. “Яшил” энергетика, инновацияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш ва энергиятежамкор технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликка катта қизиқиш билдирилган таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ҳолати ҳамда истиқболларини атрофлича таҳлил қилгани баробарида, изчил ривожлантириш талаб этиладиган устувор йўналишларни ҳам белгиланган. Икки ва кўп томонлама, жумладан, Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни янада мустақкамлашга хизмат қиладиган таклифлар билдирилди.

Иштирокчилар ўзаро фикр алмашишнинг долзарблигини таъкидлар экан, шу каби шаклда яқин алоқаларни давом эттиришга келишиб олди.

Эслатиб ўтамиз, С.Раҷаратнам номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, у халқаро муносабатлар билан шуғулланадиган дунёнинг етакчи таҳлил марказларидан бири ҳисобланади. RSIS тадқиқотлари мунтазам равишда нуфузли нашрларда, етакчи журналлар ва онлайн платформа-ларда чоп этилади.




Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириш, мамлакатимизнинг минтақавий IT маркази сифатидаги нуфузини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар бугун Бухоро вилоятда ҳам ижобий самарасини бермоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг ахборот технологиялари соҳаси бўйича Бухоро вилояти брендини яратиш лозимлиги борасидаги топшириғига ҳудуд ёшларининг ўзига хос жаवоби, десак муболаға бўлмайд.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ВИЛОЯТ БРЕНДИНИ ЯРАТИШ ҲОЯСИ

ДАСТУРЧИЛАРНИ ХАЛҚАРО БОЗОРДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШГА УНДАЯПТИ

Жумладан, "SHIFT академияси" ўқув маркази айна пайтда малакали дастурчилар тайёрлаш борасида вилоятда етакчилар қаторида туради. Бу ерда касб сирларини урганаётган ёшлар Европанинг энг илғор компанияларига дастурий махсуслотларини экспорт қилаяпти. Хусусан, ўқув маркази ёш мутахассисларининг Германия тиббиёт муассасаларидаги иш жараёнини рақамлаштириш учун алоҳида дастур ишлаб чиққани бошқа мамлакатларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлди.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

— Бир йилда фаолиятимиз кўламини ўн баробар кенгайттирдик. Бугун ахборот-технологиялари бўйича мутахассислардан ташқари, фрилансер дастурчиларни ҳам тайёрлаяпмиз, — дейди Бухоро шахридаги "SHIFT академияси" ўқув маркази раҳбари Абдусобир Ҳалимов. — Платформамиз мукамаллиги жиҳатидан ҳам илғор ўқув марказлари билан бемалол беллаша олади. Барча муваффақиятимиз асосида давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имтиёзлар турибди. Ҳозир академиямиз тинловчилари 80 нафардан ошди. Келгусида бу кўрсаткични янада яхшиламоқчимиз. Энди Бухорода катта IT мактабини яратиб, билимни экспорт қилишни режалаштиряпмиз. Бунинг учун бизда етарлича салоҳият мавжуд.

— Талабалик даврида қўл остида дастурчиликни мустақил ўргана бошлаган эдим. Ўқишни тамомлаганимдан сўнг тендошларимиз билан ўз марказимизни ташкил қилдик. Ундан ортиқ ёш мутахассислар Европанинг етакчи компаниялари эътиборига тушди. Президентимиз билан мулоқотдан сўнг жамоамизни янада кенгайтиришга киришдик. Тез орада дастурчиларимиз сони 100 нафардан ошди, — дейди Отабек Бобомуродов.

Отабек Бобомуродов марказ дастурчиларидан. Унинг учун ҳам бугунги имкониятлар алоҳида рағбат вазифини ўтаётди. Ёш дастурчи касбий қизиқиши ортидан мўмай даромад топаётганидан мамнун. Президентимиз раислигида ўтган йил 14 апрелда АКТ ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида 2022 йилда амалга оширилган лозим бўлган вазифаларга бағишланган йилгилида О. Бобомуродов ҳам иштирок этди.

Вилоятдаги "Воҳидов IT академияси" ўқув маркази ҳам ҳали фаолият бошлаганига кўп бўлмади. Аммо 60 нафарга яқин йигит-қиз бу марказда кафолатли таълим олмақда. Шу қисқа вақт оралиғида ёшларнинг халқаро бозорда ҳам ўз ўрнини тоғанини эришган натижаларидан англаш қийин эмас.

— 2017 йили онлайн фаолият юритиб, ахборот технологиялари бозорига ўз ўринини топишни мақсад қилган эдик. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни минтақавий IT марказга айлантириш бўйича топшириқлар берганидан сўнг йўнали-

шимизни ўзгартириб, янги таълим тартибларини мустақил ўргана бошладик. Компьютер саводхонлиги, веб-дастурлаш, робототехника, киберспорт ва IT English каби йўналишлар бўйича ўқиб, сертификат олган тинловчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши соҳа тараққиётини янги босқичга олиб чиқди, — дейди дастурчи-фрилансер Фурқат Воҳидов.

2023 йилда вилоятда дастурчилик йўналишида махсус сертификатга эга ёшлар сонини 50 минг нафарга етказиш кўзда тутилган. Ахборот технологияларини ўргатишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, малакали ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш, ёшларни соҳага қизиқтириш ҳамда уларни касбга йўналтириш мақсадида йўлга қўйилган бу ишлар ҳозирдан самара бераётгани юртимиз ёшларининг заковати ва ақли салоҳиятини ҳам амалда кўрсатаяпти.

Суҳроб ШЕРОВ, журналист

Ватанга хизмат қилиш, юрт сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлашга доимо тайёр туриш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Қолаверса, қадамида шиддат, қалбида ватанпарварлик, юрагида жасорат ва матонат бўлган юрт ўғлонлари учун ҳарбий хизмат шунчаки Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш истаги эмас, бетакрор диёр, хур ўлканнинг химоячиси бўлишдан ифтихор ҳисси ҳамдир.

ЮРАГИДА ЎТИ БОР ЎҒЛОНЛАР

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қарашли Навойи шаҳридаги "Н" ҳарбий қисмда ҳар бир кун ана шундай шайхон овози билан бошланади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг жисмида куч, руҳиятида кўтаринкилик, муҳими, эртани кунга ишонч, шахидан ғурур ҳиссини англаш қийин эмас.

Миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар мазкур ҳарбий қисмининг ҳам четлаб ўтмади. Яқинда 35 миллиард сўм маблағ эвазига янги ўқув бинолари барпо этилди, мавжуд иншоотлар замон талаби даражасида таъмирланди. Ўз касбининг фидойилари, Ватан Ҳимоясини юксак бурч, деб билган ҳарбий хизматчилар бугун ёшларни юрта муҳаббат, умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш учун масъул. Қолаверса, ҳарбий қисмдаги имкониятлар миллий армиямиз сафида жисмонан соғлом, ақлан баркамол ўғлонларни тайёрлашга хизмат қилади.

— Ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматчилар мутахассисликлар йўналишлари бўйича тайёрланади ва келгусида улар заҳирга олинадиган ёки шартнома бўйича ҳарбий хизматни давом эттиради. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ўз вазифаларини тўлақонли бажариши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди ҳарбий қисм командири Шерзод Умаров.

— Болалигимдан китоб ўқишга қизиқман. Ҳарбий қисмда махсус тайёрлаган кутубхона ҳам аскарлар билан гавжум. 2200 дан зиёд адабиёт намуналарига эга зиё масканидан ҳар бир китобхон ўзи истаган манбани топиши мумкин. Жаҳон адабиёти дурдоналари дейсизми, ҳуқуқий соҳага оид манбаларга эҳтиёж бўладими, тарихий китоблар, аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти ифода этилган асарлар мутлаола завқини оширади. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар орасида китобхонликни тарғиб этиш, уларнинг бу борадаги билимларини синовдан ўтказиш мақсадида турли танловларнинг ташкил этилиши мутлаола меҳри бўлачкан аскарлар сафининг кенгайишига хизмат қилапти.

Ҳарбий хизматни ўташ чоғида йигитлар масъулиятли касб заҳмати, машаққатга гувоҳ бўлади. Ватан хизматида отлашни ўз ҳаловатидан кечиб бўлса ҳам юртни асраш, уни химоя қилишдир. Ҳарбий қисмда аскарлар қуроғлар тузилиши, уларнинг қандай қисмлардан иборат эканлиги, жанговар шай ҳолатга келтиришда нималарга эътибор қаратилиши пухта ўргатилади. Шунингдек, чаққонлик, тезкорлик, ўз вақтида муҳим қарорни қабул қилиш, ҳарбий хизматчининг нафақат ўзи, балки ҳамкасблари учун ҳам жавобгарликни ҳис этиши дала ўқув машқарида ҳам муҳим ўрин тутади. Бу жараёнларда аскарлар синовларда тобланиб, белгиланган меъёрни бажариш чоғида билими мустаҳкамланади, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги ошади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам юртимизда муҳим масалалардан бири. Жумладан, олий таълим муассасаларига кириш учун давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилаётгани ҳарбий хизмат нуфузи ва обрўсини янада юксалтиришда муҳим омил бўляпти.

— Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга барча шароитлар яратилиб, турли имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, бир гуруҳ ҳарбийларимизга хизмат уйлари берилди ва 2023 йилда ҳам шу каби уйлار яна қурилиши режалаштирилган. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларига кириш учун алоҳида квота ажратилгани ҳам юксак эътибордан далолатдир — дейди ҳарбий қисм командири Шерзод Умаров.

Албатта, Ватанини асрамоқ шарофати вазифа. Юрт химоясидигилар гайратидан аждодлар руҳига ҳурмат, жасоратидан мамлакат сарҳадларини асраб-авайлаш истаги, қадамида Ватан ишончига муносиб бўлиш иштиёқи намоеъ. Бундай фидойилик, ватанпарварлик учун энг катта муқофот уларга билдирилган ишонч, яқинлар ифтихори ва юрт оқибатига ширинлик, Шунинг ўзиёқ мамлакат тинчлиги ишончли қўллардан эканлигидан далолат беради.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, журналист

ТИББИЁТ

Шойиста нонушта қилишга чоғланаркан, онасининг тушкун ўтирганини кўриб, иштаҳаси йўқолди. Анча кун бўлди: онасининг ахволи ҳеч ўнганмади. Шифокорлар кўп бор ҳаракат қилди, бироқ аниқ ташхис қўйолмасди. Бу ҳолат бутун оила аъзолари қайфиятига таъсирини ўтказмай қолмади. Айниқса, ёш Шойиста бундан қаттиқ таъсирланди. Онасининг дардида малҳам бўлгани, имкони бўлса, унга даво чорасини ўзи излаб топишни ич-ичидан хоҳларди. Лекин ёш қизалоқнинг қўлидан бир иш келмаслиги ўзига ҳам маълум эди. Шундай пайтда у "Катта бўлсам, албатта, шифокор бўламан, онамни ўзим даволайман", дея аҳд қиларди. Бунинг учун астойдил ўқиш кераклигини ҳис қилиб, кечалари тиним билмай дарс тайёрлар, кўпроқ билим олишга интиларди.

ЭНГ УЛУҒ КАСБ ЭҒАЛАРИ

Қарши давлат университетидан муқаддас қасамёдига содиқ мутахассислар тайёрланмоқда

Бу орада онасига ташхис қўйилиб, докторлар даволашни бошлаб юборди. Бир ойдан сўнг онаси оёққа турди. Бундан мамнун бўлган ёш қиз шифокор бўлиш орузида олдинга интиди. Вилоятда у вақтда шифокорликка ўқитадиган олиғоҳ йўқ, олис вилоятларга бориб ўқишга эса ота-онаси рухсат бермасди. Бор орузини бир сонияда чилпарчин бўлган қизалоқнинг ўқишга қизиқиши ҳам сўниб қолди. Бир олам режалари бор эди. Келажакда яхши доктор бўлиб, эл дардида дармон бўлишни юракдан истаганди. Бу соҳада илмий ишлар қилиб, энг зўр шифокор бўлоқчи эди. Барчаси армонга айланадиган бўлди.

...Дугоналари унга хушxabар айтиб қолди: 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Қарши давлат университетидан тиббиёт йўналиши бўйича факультет ташкил этиларкан. Бу янгиликни нафақат Шойиста, балки бутун вилоят аҳли катта қувонч билан куттиб олди.

— 2021 йил мактабни битиришим билан Қарши давлат университетидан тиббиёт йўналиши очилиб, қабул эълон қилинди, — дейди Шойиста Бекмуродова. — Астойдил шу касбни эгаллашни мақсад қилгандим. Вилоятимизда бу йўналиш очилиши орузимни амалга оширишимга имкон берди. Имтиҳондан ҳам яхши ўтиб, бугун, мана, иккинчи курсда таълим оляпман.

Тез орада ёш шифокорлар иш бошлайди

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси берган маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда 950 нафар шифокорга эҳтиёж бор. Шу бос, тиббиёт соҳасидаги кадрлар масаласини ҳал этиш мақсадида манзилли дастур асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги фармонига асосан, Қарши давлат университетидан тиббиёт факультети ташкил этилди. 2021-2022 ўқув йилидан иш бошлаган тиббиёт факультетида айна пайтда "даволаш иши" ҳамда "педиатрия иши" йўналишлари бўйича жами 192 нафар талаба билим олмақда.

— Сўнгги йилларда барча соҳалар қатори тиббиётга ҳам кенг эътибор қаратилмоқда, — дейди Қарши давлат университетининг тиббиёт факультети декани Сардор Тўйчиев. — Муайян вақт мобайнида соҳа эътибордан четда қолди. Натижада бу йўналишда ишлар орқада қолиб кетди. Бугун эса ҳиддий ўзгаришлар кўп. Хусусан, Қашқадарёдаги олиғоҳда тиббиёт йўналиши очилиши ҳам янгиликларнинг амалий ифодаси, дейиш мумкин. Дастлаб факультетимиз очилганда кўпчилик ҳали анча муаммоларга дуч келишимизни айтган эди. Аммо қувонарлики, ҳеч бир тўсиққа ёки қийинчиликка дуч келмадик. Аксинча, таълим жараёнлари яхши йўлга қўйилди. Тиббий таълим норматив ҳужжатларига асосан, гуруҳлар 14-16 нафар талабадан иборат ҳолда шакллантирилиб, ўқув режа асосида ўқишлар бошлаб юборилди. Намунавий ўқув дастурлари, малака талаблари Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқув бўлими ҳамкорлигида шакллантирилди.

2021-2022 ўқув йилида 6 нафар фалсафа доктори (PhD), доцент ва 15 нафар ассистент ўқитувчи ўқув машғулотларини олиб борди. Жорий ўқув йилига келиб, университетда тиббиёт фанлари кафедраси ташкил этилиб, бир нафар тиббиёт фанлари доктори, 3 нафар тиббиёт фанлари номзоди таълим жараёнига жалб этилди.

Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини самарали ташкил этиш мақсадида Қарши шаҳрида 6 та даволаш профилактика муассасаси билан ҳамкорлик қилинди. Хусусан, ўқув амалиётлари физиология ва гистология, цитология, эмбриология фанлари лабораториялари, малака амалиёти вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, патологик анатомия маркази, вилоят қон қуйиш маркази, Қарши шаҳридаги поликлиникаларда олиб борилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб амалиёт муассасаларини кенгайтириш мақсадида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида 18 та даволаш профилактика шифохонаси билан ҳамкорлик шартномалари тузилмоқда. Бу эса талабаларнинг билимини оширишга, шунингдек, касбини мукамал эгаллашга хизмат қилади.

Ўтган ўқув йилида Қарши давлат университети билан Россиянинг Нижний Новгород шаҳридаги Приволжск тиббий тадқиқотлар университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга кўра, "даволаш иши" ҳамда "педиатрия иши" йўналиши бўйича 31 нафар абитуриент шартнома асосида қўшма таълим дастурлари асосида ўқишга қабул қилинди.

— Тиббиёт йўналишида таълим олаётган талабаларимизга, асосан, онлайн тарзда Приволжск тиббий тадқиқотлар университети профессор-ўқитувчилари дарс бериб келади, — дейди Халқаро таълим дастурлари факультети декани ўринбосари Сабохат Кенжаева. — Ҳозир жами 69 нафар талаба бу йўналишда таълим олмақда. Ҳамкорлик шартномасига кўра, талабалар ўқишни уч йил шу ерда, қолган уч йилни Россияда давом эттириши белгиланган. Бу эса талабалар таърибли кадр бўлиб етишишида муҳим омилдир. Дарсларимиз ўзбек ва рус тилларида ўтилади.

Янги йўналишга янги имкониятлар

Тиббиёт факультети учун ажратилган ўқув биноси реконструкция қилиниб, дарс машғулотлари учун керакли жиҳозлар билан таъминланмоқда.


— Тез орада факультетимиз янги, замон талабларига жавоб бера оладиган хоналарда иш бошлайди, — дейди С.Тўйчиев. — Ҳозир таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда. Талабаларимиз шу ернинг ўзидан амалиёт ўташи учун қулайликлар яратилмоқда. Энди ёшларимиз турли тиббий аппаратларни ишлатиб қўриши, лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб, керакли билимга эга бўлиши мумкин.

Эл саломатлиги йўлида хизмат қиладиган ёшлар етарли билим олиши учун имкониятлар эшиги очилгани қувонарли. Энг асосийси, яқин йилларда вилоятда шифокорларга бўлган талаб қондирилади. Ўз соҳасининг билимли ва фидойи вакиллари жойларда иш бошлайди.

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



НОЁБ МЕРОС



Филология фанлари доктори, профессор Афтондил Эркинов изланувчан навоийшунослардан. У ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, хусусан, таркибига Алишер Навоий асарлари ҳам киритилган қўлёзма манбалар устида илмий тадқиқотлар ўтказди. Олим Германия, Франция, Туркия, Япония ва Австриядаги қўлёзмалар хазиналари билан танишган, шу мамлакатлар илмий марказлари ва университетларида тадқиқот олиб борган. ДААД ва Дидро, Макс ван Бершем номидаги халқаро илмий стипендияларга сазовор бўлган. Сўхбатдошимнинг нодир манбалар ва қўлёзмалар билан ишлаш жараёнидаги ўзига хос мезонлари ва мулоҳазалари сизни ҳам бафрак қолдирмайди, деган умиддамиз.



янгиликлар кўп бўлди. Масалан, филология фанлари номзоди Муҳаммадjon Имомназаровнинг "Мажоз тарихи" деган китоби нашрдан чиқди. Ушбу китобларнинг бир жилди Амир Хисрав Дехлавийга, бир жилди эса Алишер Навоийга бағишланган. Муҳаммадjon Имомназаров манбани ажрата оладиган, қўлёзмаларнинг асл нусхасини қайи қаторида туради. Устоз олимимиз қарийб эллик йилдан буён "иғна билан кудук қазиб" илмий изланишлар олиб бораётган навоийшуносларимиздан. Алишер Навоий ижодининг форс адабиётида тугган ўрни ҳақида ҳам кўплаб илмий мақолалар эълон қилган. Муҳаммадjon Имомназаровнинг мақола ва китобларини хорижий ҳамкасбларимизга ҳам, ёш навоийшуносларимизга ҳамшиша тавсия қилиб келганман.

— Навоийшуносларимизнинг таъкидлашча, ҳатто ҳозирга қадар Алишер Навоий асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари яхши урганилган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма фонди Марказий Осиёдаги энг катта қўлёзмалар хазинаси ҳисобланади. Аммо унинг фондларидаги Навоий девонлари ҳам ҳозирга қадар комплекс тарзда тадқиқ этилмаган экан...

— Бу гапда жон бор, аммо вазият у қадар аянчли эмас. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий мероси инсоният тафаккурининг туганмас қирраларини очиб берувчи чекиз хазина эканига вақт ўтгани сайин янада қучиқроқ амин бўлиб бораемиз. Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида ушбу сананинг 2021 йил давомида юртимиз бўйлаб нишонланиши юқоридаги фикримизни яна бир бор исботлади. Мазкур сана муносабати билан юртимиздагина эмас, балки дунёнинг қатор мамлакатларида ҳам илмий семинарлар, конференциялар, давра сўхбатлари ташкил этилди. Навоий асарлари дунёнинг яна бир неча тилларига таржима қилинмоқда. Бу ҳодисаларнинг барчаси навоийшунослар, шунингдек, Навоий асарлари илмсманларининг сафи кенгайиб бораётганидан дарак беради. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги илмий-тадқиқот институтлари, фонд ва музейларида сақланган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари матни тил, адабиёт, тарих ва санъатшуносликнинг турли йўналишларида ҳозир ҳам чўқур ўрганиб келинади.

Навоийшуносликка оид олиб борилаётган тадқиқотларда айнан қўлёзмалар устида ишлашга бўлган эътибор кучайган. Зеро, Алишер Навоий асарларининг ҳали муаллиф тирикчилиги чоғида қитобат қилинган нусхалари ниҳоятда кўп. Бундай турдаги манбаларнинг катта қисми хорижий фондларга тегишли. Уларнинг нусхаларини юртимизга келтириш, илм аҳли, қолаверса, китобхон халқимизни мазкур қўлёзмалар билан таништириш вазифаси ҳам кун тартибига турган долзарб масалалар сирасига кириди. Сўзимиз аввалда тилга олинган қарорда Навоий таваллудининг 580 йиллигини ўтказиш асосида аллома ижодини янгича кўзи билан тадқиқ этиш, шунингдек, унинг асарлари нодир қўлёзмаларини факсимиле тарзида чоп қилиш вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан Тошкент давлат шарқшунослик университети профессор-ўқитувчилари ҳам бир қатор илмий ишлар устида иш олиб бормоқда. Жумладан, университет ҳузурида ташкил этилган Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказининг иш режасида Алишер Навоий меросини урганиш алоҳида йўналиш тарзида белгиланган. Шу максатда бажарилган илмий ишларни тизимли тарзда чоп этиш ва жамоатчиликка, илм аҳлига, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида "Алишер Навоий мероси: тадқиқотлар ва таҳлиллар" илмий лойиҳаси амалга

ошириб келинмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида туркум китоблар нашри режалаштирилган бўлиб, мазкур нашрлардан етти жилди чоп этилди. Булар навоийшуносликнинг турли йўналишларида олиб борилган тадқиқотлардир. Жумладан, туркум китобларнинг 1-жилди "Алишер Навоий. Оқюноли мухлислар девони (1471 йил): табибли ва факсимиле матн" деб номланган. Мазкур жилдни филология фанлари бўйича фалсафа доктори Рустам Жабборов билан бирга нашрга тайёрлади. Алишер Навоий шеърларини ўз ичига олган мазкур қўлёзма девон навоийшуносликка эндиликда маълум бўлди. Тахминан қисман ҳозирги Туркия шарқи, Арманистон, Озарбайжон, шимолӣ Ироқ ва Эрон ҳудудларида ҳимронлик қилган Оқюнонликлар сулоласи Теуриийлар билан яқин муносабатда бўлган. Бу девон Оқюнонликлар салтанати ҳудудларида Навоий шеърлари мухлислари томонидан тартиб берилган ва қўчирилган боис, уни шартли равишда "Оқюноли мухлислар девони" деб аташ мумкин. Бу тўғрисида Навоий шеърлари ихтисомандлари томонидан 1465-1466 йили тузилган "Илк девон" билан бир қаторда навоийшунослик учун гоёта ахамиятли.

Туркум китобларнинг 2-жилди профессор Муҳаммадjon Имомназаров муаллифлигида яратилган бўлиб, "XXI аср: Алишер Навоий лирик мероси матншуносликни муаммолари" деб аталади. Ушбу китобда олимнинг XXI аср навоийшунослиги методологиясига доир долзарб масалалар ҳақидаги фикрлари аҳамиятга молик. Алишер Навоийнинг илк лирик меросига мансуб "Бадоеъ ул-бидоъ" девони қўлёзмаларининг Париж нусхаси ҳамда янги топилган Теҳрон нусхаси асосида муқояса қилиниб, матншунослик нуктаи назаридан илмий тадқиқ этилган.

3-жилдаги марҳум профессор, филология фанлари доктори Аҳмадjon Қуронбековнинг "Хайрат ул-аброр" да инсон сиймоси ва маънавий дунёси" номли монографияси киритилган. Мумтоз асарлар мазмунига тушуниб етиш учун матнда

(Навоий қарашлари асосида) китобидир. Унда Мусулмон Шарқи адабиётидаги адабий мажлислар Теуриийлар даври мисолида ўрганилади. Асосан, Алишер Навоийнинг айни мажлислар ҳақидаги қарашлари асос қилиб олинади.

7-жилд филология фанлари бўйича фалсафа доктори Малоҳат Пулатованинг "Шарқ мумтоз адабиётида арбаъин езиш анъаналари" деб номланган. Исломи дини ва мусулмон маданияти анъаналарининг ижтимоий ахлоқий аҳамияти ва бугунги ёшлар тарбиясидаги ўрни мустақиллик даврига келиб жиддий илмий тадқиқотларга мавзу бўла бошлади. Мазкур китоб айни шу йўналишда бажарилган долзарб тадқиқотлар сирасига кириди.

— Бир пайтлар адабий давралардаги муҳокамаларда "Навоий асарлари гоъвий оламини ўрганиш бўйича ҳамма ишлар қилиб бўлиди, энди фақат Навоий услубини ўрганиш мумкин", деган мулоҳазалар тез-тез ўртага ташланган экан. Сиз бу каби мулоҳазаларга қандай жавоб берган бўлардингиз?

— 1991 йилда совет навоийшунослигини таъкид қилиб "Қолипдаги фан" деган мақола ёзган эдим. Навоийшунослик "якуни" ҳақида чорак аср бурун бир катта профессоримиз "Биз Навоий асарларини гоъвий жиҳатдан ўрганиб бўлигимиз, энди бизлар мутафаккирининг услубини ўрганишга ҳолисан" дея бизга ўзларича насиҳат қилганди. Чунки улар Алишер Навоий ижодини совет замонида мослаб талқин қилишган, яъни ўзига яраша сохташлатиришган эди ва ўз "ғуноҳ"ларини хашулашга учун шундай деган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўз вақтида совет навоийшунослигини коммунистик мафкурага мослаш билан шугулланган бу олимлар ўз ёлғон ва хатолари фош бўлишини истамай, Навоий услубини ўрганишга ёш олимларни йўналтириб, катта масалалардан қайлитиб, мана шундай тактика ишлатмоқчи бўлган. Аммо илм йўлини бир ёки бир неча олим тўса олмайдди. Илм ўз йўлида давом этаверади ва ҳар бир даврда Навоий

Хиротда, Алишер Навоий ҳаётиги пайтида қўчирилган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2022 йили айнан "Бадоеъ ул-бидоъ" девонининг яна иккита нусхаси аниқланди. Аникроги, уларнинг таркиби қандай эканини билиш имкониятига эга бўлди. Эроннинг Машҳад шаҳри кутубхонасидаги "Бадоеъ ул-бидоъ" нусхасини ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология бўйича фалсафа доктори Ойсара Мадалевани, иккинчисини Теҳрон шаҳрида жойлашган Эрон Миллий кутубхонасида Туркияда устозлик қилаётган ўзбекистонлик олим Саидбек Болтабоев аниқлади. Мазкур нусхаларнинг Машҳаддагиси 1491 йили, Теҳрондагиси 1501 йили қўчирилган. Демак, сўнги беш йил ичида "Бадоеъ ул-бидоъ"нинг тўрт нусхаси аниқланди. Шу муносабат билан Навоий ҳаётиги даврида қўчирилган "Бадоеъ ул-бидоъ"нинг нусхалари сони сакказда ютди. Бу навоийшунослик соҳаси учун катта етди!

— Айни пайтда АҚШда илмий изланиш олиб бораётган экансиз. Сизни ушбу юртга қайси қўлёзмалар тақдир билан боғлиқ маълумотлар етказиб келди?

— Ҳозирги пайтда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен санъат музейидаман. Ушбу музей томонидан олимлар учун эълон қилинган бир танловда қатнашиб, муъл қўлёзма манбалари билан танишиб бўйича стипендияни ютиб олдим. Бир неча ойдан бери ушбу музейдаги қўлёзмалар билан танишяман. Теуриийлар даври қўлёзмалари билан боғлиқ мен тақлиф қилган илмий лойиҳа музей раҳбарияти томонидан маъқулланди ва музейнинг ислом санъати бўлимида изланиш олиб боришимга имконият яратиб берди. Лойиҳам мавзуси теуриийлар давридаги қўлёзмалар ва ушбу қўлёзмаларнинг Хирот ҳамда Шерозу Табриз шаҳарларида қўчирилиши билан боғлиқ. Маълумки, ҳозирги Эрон ҳудудида ҳам бир пайтлар теуриийлар ҳимронлик қилган. Теуриийлар набраси, Шоҳруҳнинг ўғли Иброҳим Султон Шерозда ҳимронлик қилган. Уша пайтда Шероз шаҳри форс



— ҲОЗИРГИ ПАЙТДА АҚШНИНГ НЬУ-ЙОРК ШАҲРИДАГИ МЕТРОПОЛИТЕН САНЪАТ МУЗЕЙИДАМАН. УШБУ МУЗЕЙ ТОМОНИДАН ОЛИМЛАР УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БИР ТАНЛОВГА ҚАТНАШИБ, МУЗЕЙ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ БЎЙИЧА СТИПЕНДИЯНИ ЮТИБ ОЛДИМ. БИР НЕЧА ОЙДАН БЕРИ УШБУ МУЗЕЙДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР БИЛАН ТАНИШЯМАН.

ижодига янгича ёндашув ва янгиликлар пайдо бўлаверади. Бир пайтлар сиз айтган шунчақ тортишувлар кўп бўлган. Ваҳоланки, Алишер Навоий, Вильям Шекспир, Александр Пушкин каби даҳолар ижоди битмас-туганмас илм уммонидир.

Мана шундай ҳолатни Навоий асарлари қўлёзмаси ва, масалан, улар билан боғлиқ манбаъшунослик ҳақида ҳам айтish мумкин. Ваҳоланки, Алишер Навоийнинг барча асарлари нашр қилинди. Бўлди, энди бошқа янгилик қилиб бўлмайдди, дегувчилар ҳам топилади. Лекин мутафаккир шоир асарларининг янги маъно қирралари ёки, дейлик, янги топилган қўлёзмалари навоийшуносликнинг манбаъшунослик йўналиши учун янги озуқа бериб тураверади. Масалан, яқин йиллар ичида "Бадоеъ ул-бидоъ" девонининг навоийшуносликка маълум бўлмаган икки қўлёзмаси фотонусхаларини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Ҳозиргача навоийшуносликка "Бадоеъ ул-бидоъ" девонининг қўчирилиш санаси сираситилган тўрт қўлёзмаси маълум эди. Улар 1480-1486 йилларда қўчирилган нусхалар бўлиб, Париж, Лондон, Боку ва Тошкентда сақланган. Айни тўрт нухса Алишер Навоий ҳаётиги даврида тайёрланган ва улардаги матнларни шоир ўз назоратидан ўтказганини ахтирмоқ қилса бўлади. "Бадоеъ ул-бидоъ"нинг биз аниқлаган икки қўлёзмаси ҳам айнан мана шу йиллари қўчирилган ва ҳозиргача тадқиқотларда улар қўчирилган сана ҳамда таркибига оид маълумотлар келтирилмаган. Улардан бири Теҳронда бўлиб, 888/1483 йили, бошқиси эса Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланмоқда ва 889/1484-1485 йили қўчирилган. Мухим жиҳати шундаки, иккинчи нухса Султонали Машҳадий томонидан

вилотининг маркази ҳисобланган. Мазкур вилотини бошқарган Иброҳим Мирзо бошқа теуриийлар каби маданият ва санъат ҳомийси бўлган. Бизга маълумки, теуриийлардан Бойсунқур Мирзо ва Исқандар Султон адабиётга, санъатга, қўлёзмаларни асраб-авайлашга, қўчиришга катта эътибор қаратган. Иброҳим Султон ҳам улар йўлидан бориб, адабиёт ва санъатга бўлган эътибори билан обрў қозонган.

Иброҳим Султон хаттотлик билан шугулланган бўлиб, 1427 йилда Курьонини жулда чиroyли настаълиқ хатида қўчирган. Шаҳзода бўлишига қарамай, хаттотлик билан шугулланиш учун вақт топа олган. Метрополитен санъат музейида ана шу Курьон нусхаси бор. Менга унинг қўлёзмаси билан танишиб чиқишимга имкон беришди. Мана шу жараёнда маълум бўлдики, Иброҳим Султон теуриийларнинг ичида хаттотлик билан шугулланганларнинг энг кўзга кўрингани бўлган экан.

Умуман, теуриийлар сулоласининг обрўси жуذا баяндал бўлган. Ҳозирги Эрон, Озарбайжон ҳудудида теуриийлардан кейин Оқюнонликлар салтанати ҳимронлик қилган. Бу салтанат вакиллари ҳам теуриийлар саройига қизиқиши ниҳоятда кучли бўлган. Ҳатто оқюнонликларнинг энг катта асосчиларидан бўлган Узун Ҳасан ўзини теуриийлар авлодиданман, деб атаган. Албатта, бу кучли даъво бежиз айтилмаган. Уша даврларда теуриийларнинг маданиятга, адабиётга, илмга ва санъатга бўлган эътибори тўғрйли уларга тақлид қилиш, эргашish кучли эди. Узун Ҳасан ҳам улар билан фахрланишини истаган бўлса керак.

— Иброҳим Султон ҳимронлигини давом деган кейинроқ Хиротда адабий муҳит ривожланади ва бу кўпроқ Хусайн



Бойқаро даврига тўғри келади. Шундай эмасми? Сиз бу давр билан боғлиқ қўлёзмаларни ҳам учратган бўлсангиз керак...

— Албатта, бу шонли даврнинг тарих саҳифаларида алоҳида ўрни бор. Хусайн Бойқаро ҳимронлиги даврида Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Камолиддин Беҳзод каби шарқнинг энг буюк олимлари, расом ва шоирлари пайдо бўлди. Мана шу жараёнда ҳам оқюнонликлар мутафаккир боболаримиз ижодига янги муносабатда бўлган. Масалан, 1471 йилда жамланган Алишер Навоий девонига оқюнонликлар муҳитида тартиб берилган. Ҳали Навоий ўзи газалларини девон ҳолига келтирмаган бир пайтда оқюнонликлар томонидан унинг шеърлари девон ҳолида тайёрланган. Бу девонни машҳур хаттотлардан бири Абдурахмон Хоразмий қўчирган. Уша пайтдаги Оқюнонликлар салтанати хаттотлари ичида Абдулқарим Хоразмий ҳам бўлган. У 1470 йилда Абдурахмон Жомийнинг девонини қўчирган. Кўриб турибсизки, бошқа салтанатлардаги хаттотлар теуриийларнинг машҳур асарларига жуذا қизиққан ва уларни қўчириб девонлар тайёрлашдан гурунланган. Демак, аждодларимизнинг ижоди, амалга оширган ишлари шу қадар овоза бўлганки, бошқа сулола вакиллари ҳам бу асарларнинг қўлёзмаларини бажонидил девон ҳолига келтиришган ёки машҳур теуриийзодалар асарларини қўлёзма ҳолида қўчиришган. Шу жумладан, Метрополитен санъат музейида Абдулқарим Хоразмий 1470 йилда қўчирган Абдурахмон Жомийнинг девони ҳам сақланган.

Юқорида айтиб ўтганимиз теуриий Иброҳим Султон қўчирган Курьон ҳам, Абдулқарим Хоразмий қўчирган Курьон ҳам санъат нуктаи назардан жуذا юқори баҳоланган экан. Шу боис, ушбу китоблар музейнинг маҳсуус бўлимида асраб келинмоқда. Умуман, бу музейнинг ислом санъати бўлимида теуриийлар даври қўлёзмалари алоҳида экспонат сифатида қўйилган. Ана шу бўлимга 1500 йилги Султонали Машҳадий томонидан қўчирилган Хусайн Бойқаро девони ҳам қўйилган.

Айни пайтда 1500 йилда Султонали Машҳадий томонидан қўчирилган Алишер Навоийнинг шеърлар мажмуъаси — девони ҳам бор. Мен бир нарсасга алоҳида эътибор қаратаман — Метрополитен санъат музейида илмий борица қўлёзмаларнинг энг чиroyлилари, ишланган миниатюралари юксак санъат даражасида баҳоланганлари жамланган. Кўпроқ хаттот Султонали Машҳадий томонидан қўчирилган қўлёзмалар жуذا қадрланган. Ёдинизда бўлса, Заҳриддин Муҳаммад Бобур "Бобуринома"сида Султонали Машҳадий Навоий ва Хусайн Бойқаро асарларини қўчирадиган асосий хаттотлардан бири бўлганлигини айтиб ўтган. Ҳатто уни "Қитбат ул-қитоб", яъни "Китобларнинг қитбаси" деб номлашган. Султонали Машҳадий хар кўни Хусайн Бойқаро учун 30 байт, Алишер Навоий учун 20 байт қўчирган. Бу маълумотлар уринчи деб биламан, чунки Хусайн Бойқаронинг камида 5 та қўлёзма масини Султонали Машҳадий қўчирганлиги маълум. Навоийнинг илк девонидан тортиб, сўнги — 1500 йилда қўчирилган қўлёзмаларнинг аксариятида Султонали Машҳадийнинг имзоси бор.

Мен таъкидлаб ўтган қўлёзмаларнинг барчаси Метрополитен санъат музейидан ўрин олганини эшитганимда, ушбу музезга келиб тадқиқот олиб боришни кўнглимга тўккан эдим. Шўқрки, айни пайтда ушбу музейда теуриий қўлёзмаларининг аҳамияти ҳақида изланишлар олиб бораеман. Бу ердаги қўлёзмалар ҳақида умумий маълумотлар бор эди, бироқ уларни бевосита кўриш, тадқиқ этиш шарафига мурасар бўламан деб ҳечам ўйламагандим. Айниқса, хаттот Султонали Машҳадий қўчирган кўп қўлёзмаларнинг шу музездан жой олгани кишини хайратга солади. Метрополитен санъат музейи Америка Қўшма Штатларидаги энг катта музейлардан бири бўлиб, ушбу масканга хар йили 7 миллион киши ташриф буюради.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Мустафасар ТОЖИММАТОВА сўхбатлашди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК
Бош муҳаррир: Салим Дониёров
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Тажририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавоблар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
14144 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.
“ШАРҚ” наширети-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳис: Шероз Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза якуни — 0020 Тошириғиди — 0105